

VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони (фермер ва дэхçon хўжаликларисиз бирликда)

	2018 йил 1 октябр холатига рўйхатга олинган	2018 йил январ-сентябрда	
		ташкил тоду	тугатилди
Вилоят бўйича:	8860	1421	365
<i>шаҳарлар:</i>			
Навоий	2735	327	109
Зарафшон	569	169	55
<i>туманлар:</i>			
Кармана	1641	203	52
Конимех	214	55	9
Қизилтепа	983	129	34
Навбаҳор	767	135	25
Нурота	740	176	40
Томди	115	27	8
Учқудук	308	67	8
Хатирчи	788	133	25

2018 йилнинг 1 октябр холатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 8860 тани ташкил қилди.

2018 йил январ-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 32,6 фоизи (2017 йил январ-сентябрида 39,4 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2345,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 14,4 фоизи) ёки 2017 йилнинг январ-сентябрига нисбатан 109,1 фоизни ташкил қилди;

2947,3 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар), ўсиш суръати 102,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг кичик бизнесдаги улуши 98,9 фоизи) ташкил қилди.

1036,0 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 14,4 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январ-сентябрига нисбатан 12,1 фоизга камайди;

941,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 62,1 фоизи) бажарилди ва 2017 йилнинг январ-сентябрига нисбатан 12,9 фоизга камайди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 5,0 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 42,9 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 2,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 84,4 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,3 фоизи ёки 3486,7 млрд. сўми (ўсиш 102,7 фоиз), хизматлар умумий ҳажмининг 62,6 фоизи ёки 1716,8 млрд. сўми (ўтган йилга нисбатан 104,0 фоиз) шакллантирилди;

35,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 16,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 137,7 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 16,4 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2018 йилнинг январ-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар)

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январ-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2947,3	102,9
Саноат	2345,4	109,1
Қурилиш	941,5	99,9
Чакана савдо	3486,7	101,1
Юк ташиш, млн тн.	19,6	107,6
Йўловчи ташиш, млн.кииши	92,6	103,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	35,2	82,6
Импорт, млн. АҚШ долл.	137,7	216,8

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (январ-сентябр ойларида умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)

